

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИХАНОВА НОДИРА МИРШОВКАТОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ КЛИНИК-  
ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Алиханова Нодира Миршовкатовна**

Ўзбекистонда кандли диабетнинг

клиник-эпидемиологик тавсифи ..... 3

**Алиханова Нодира Миршовкатовна**

Клинико-эпидемиологическая характеристика

сахарного диабета в Узбекистане ..... 31

**Alikhanova Nodira Mirshovkatovna**

Clinical and epidemiological characteristics  
of diabetes mellitus in Uzbekistan

..... 60

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of pulished works

..... 64

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИХАНОВА НОДИРА МИРШОВКАТОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ КЛИНИК-  
ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Акбаров Зоирходжа Собирович</b> тиббиёт фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Нажмутдинова Дилором Қамардиновна</b> тиббиёт фанлар доктори, профессор <b>Каюмов Улугбек Каримович</b> тиббиёт фанлар доктори, профессор <b>Мкртумян Ашот Мусаэлович</b> тиббиёт фанлар доктори, профессор (Россия)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>С.М.Киров номидаги Ҳарбий-тиббий академия</b> <b>(Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «б» корпуси, 1-қават, 7-хона.Тел./факс: (99871)- 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б. Х. Шагазатова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**С.И.Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Хозирги кунда дунё бўйича «...қандли диабет (ҚД) энг хавфли муаммолардан бири бўлиб, ҳар қандай мамлакатда соғлиқни сақлаш миллий тизимларида устивор масалалардан саналади...»<sup>1</sup>. Ҳалқаро диабет кўмитаси (ХДК) маълумотларига кўра 2016 йилда 425 млн инсон ҚД билан касалланганлиги, 8,8% ташкил қилади. Ушбу касалликни тарқалиш жадаллигини эътиборга олган ҳолда, ХДК экспертларини башоратига кўра «2030 йилга келиб ҚД билан касалланиш даражаси 1,3 маротабага ортади ва 552 миллион кишига етади, яъни ер куррасининг ҳар 10 тадан биттаси ушбу касаллик билан касалланади». Диабет билан оғриган беморларнинг тахминан 50 фоизи 40-59 ёшда бўлиб, уларнинг деярли ярми (46,5%) ўз касаллиги ҳақида билмайдилар ва уларда диабет ташхисланмасдан қолмоқда...»<sup>1</sup>.

Жаҳонда йирик эпидемиологик, скрининг изланишлар утказиш ҳамда қандли диабет регистрларини яратиш ва тадбик қилиш орқали қандли диабет тарқалганлиги, касалланиш, ногиронлик, қандли диабет сабабли улим ҳолатлари каби эпидемиологик курсаткичларни, қандли диабет асоратлари частотаси ва хавф омилларига, мақсадли кийматларга эришиш даражасига боғлиқ ҳолда унинг натижаларини урганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда, буларнинг натижалари ҳолат шаклланиши узига хослигини, даволаш-профилактика ёрдами сифатини баҳолаш, қандли диабет ва уни асоратларини ташхислаш, олдини олиш, даволашни ва шахсга йунгалтирилган ёндашув усулини такомиллаштиришга имкон яратади<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эндокринологик касалликларни камайтириш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Аммо шунга қарамасдан бу борада соғлиқни сақлаш тизимида ҳал этилиши керак бўлган қатор муаммолар мавжуд. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»<sup>3</sup>га қаратилган вазифалар кўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида қандли диабетни даволашни юқори босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали стоматологик касалликларни камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

<sup>1</sup> International Diabetes Federation, Diabetes Atlas 8th Edition, 2017.

<sup>2</sup> Standards of Medical Care in Diabetes-2016: Summary of Revisions // Diabetes Care, 2016, №1 (39). P. 4-5

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Қандли диабетнинг клиник эпидемиологик тавсифи, даволаш ва олдини олишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Ningbo University, Sichuan University (Хитой); Tel Aviv University (Исроил), University of Eastern Finland (Финландия), University of Manchester (Англия), University of North Carolina, University of Houston, University of Wisconsin Madison (АҚШ); Эндокринология илмий маркази (Россия Федерацияси), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); Medizinische University Wien (Австрия); академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қандли диабетнинг клиник эпидемиологик тавсифига асосланиб, даволашни такомиллаштириш ва олдини олиш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қандли диабет билан хасталанган беморлар учун яратилган амбулатор, клиник ва ҳаёт тарзини сақлаш учун ажратилган инвестициялар беморларда нейропатик синдром, периферик қонтомир касалликлари ва яра ривожланиш даражасини пасайтириши исботланган (Universidade Federal de Minas Gerais; Бразилия); иккинчи турдаги қандли диабетининг даволашнинг замонавий статуси ўрни ва аҳамияти асосланган (Ningbo University (Хитой); қандли диабетнинг иккинчи турининг инсулин билан даволашдан кейин қисқа муддатли даволаш тизини тўхтатиш ва уни алмаштириш тизими исботланган Tel Aviv University (Исроил); қандли диабет касаллигини даволашда ўринли SES учта омил ва кичик минтақаларда иқтисодий, маълумоти ва регистрнинг ўрни ва аҳамияти асосланган University of Eastern Finland (Финландия); эндотелиал хужайраларнинг биоэктомияси қандли диабет ва периферик артериал қон босими касалликларни терапевтик даволаш тизимидаги ўрни исботланган University of Manchester (Англия); глюкозанинг аномал аҳамияти ва

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.iso.nbu.edu.cn](http://www.iso.nbu.edu.cn); [www.english.tau.ac.il](http://www.english.tau.ac.il); [www.uef.fi](http://www.uef.fi); [www.manchester.ac.uk](http://www.manchester.ac.uk); [www.en.scu.edu.cn](http://www.en.scu.edu.cn); [www.unc.edu](http://www.unc.edu); [www.uh.edu](http://www.uh.edu); [www.niddk.nih.gov](http://www.niddk.nih.gov); [www.wisc.edu](http://www.wisc.edu); [www.jcu.cz](http://www.jcu.cz); [www.korea.ac.kr/mbshome/mbs/en/index.do](http://www.korea.ac.kr/mbshome/mbs/en/index.do); [nyumu-e.yu.edu.tw/bin/home.php](http://nyumu-e.yu.edu.tw/bin/home.php), [www2.unesp.br/](http://www2.unesp.br/); [www.nottingham.ac.uk/](http://www.nottingham.ac.uk/); [www.wum.edu.pl/en](http://www.wum.edu.pl/en); [www.meduniwien.ac.at/web/](http://www.meduniwien.ac.at/web/); [www.endocrinentr.ru/](http://www.endocrinentr.ru/); [med.uz/endocrinology](http://med.uz/endocrinology) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

ҳомиладорликнинг салбий кечиши ҳомиладорларда гестацион қандли диабет ривожланишидаги ўрни исботланган Sichuan University (Хитой); ўсмирларда биринчи даражали диабетнинг асоратларни олдини олиш мақсадида уларда семириш ва метаболик синдромлар ўрни ва асосланган ҳолатни баҳолаш ва башоратлаш тизими исботланган University of North Carolina (АҚШ); қандли диабетнинг асоратлари ривожланишини олдини олишда тана оғирлигини назорат қилиш ва жисмоний юкламанинг ўрни асосланган University of Houston (АҚШ); қандли диабетнинг клиник эпидемиологик тавсифи ва миллий регистри замонавий тартибда тизимлаштирилган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда қандли диабет билан хасталанган беморларнинг клиник эпидемиологик таснифини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда; минтақалар ва бутун бир мамлакат миқёсида қандли диабетга нисбатан тарқалиши, касалланиш даражаси, ногиронлик, ўлим даражасини эпидемиологик ҳолатни шаклланишини асослаш; қондаги липидлар миқдори, артериал босим, гликемия даражаси бўйича мақсадга йўналтирилган даволаш муолажалари даражасини шакллантириш; беморларда даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишни халқаро тавсияларга мослигини асослаш; миллий регистр бўйича олинган маълумотларга асосланган ҳолда ҚД билан оғриган беморлар скрининг ҳамда минтақадаги даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш барча даражаларида ҚД билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг қатор илмий-тадқиқот марказларида қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда илк марта 1998 йилда эпидемиологик тадқиқотлар олиб борилган бўлиб (Н.М.Алиханова, К.С.Сафаева), унда микромирлардаги асоратларни 50% учраши, углевод алмашинувининг паст даражадаги компенсацияси, даволаш-профилактика ёрдам самарасининг пастлиги, Ўзбекистонда ҚД биринчи тури билан касалланган болалар ва ўсмирларда ўлим ҳолатларининг юқорилиги қайд қилинган. Дунёда юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар регистрни ташкил қилиш воситасида ўз ечимини топмоқда. Дунёнинг 70 дан ортиқ давлатлари иштирок этган мультимарказлашган эпидемиологик тадқиқотлар натижалари бўйича ҚД регистри тузилган. 2000 йилдан бошлаб Россия Федерациясида қандли диабет регистри бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда, у бўйича Россия ССВ Эндокринология илмий маркази услубий ва ташкилий референс-маркази бошчилигида клиник-эпидемиологик мониторинги олиб борилмоқда. Шу кунгача РФ алоҳида субъектлари беморлар маҳаллий йиллик маълумотлар базаси асосида Давлат регистри маълумотларини тахлили олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, регистр бир қатор муҳим клиник-статистик вазифаларни бажарди, ушбу тизим бир неча камчиликлардан ҳам холи эмас: маълумотлар статистик баҳолашиб, календар

йил тугаши билан яқунланади. 2014 йилдан буён ҚД давлат регистри online-дастур орқали амалга оширишга ўтилди. РФ да диабетологик хизмат ривожланишини тахлили ва башорати учун тўлиқ маълумот олишга имкон берувчи илмий-тахлилий платформа сифатида регистр самарадорлигини ошириш янги тизимнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Регистр маълумотлари яна бир марта ҚД2 мавжуд беморлар эндокринологлар эътиборидан четда қолаётганлигини кўрсатиб берди ва бу ҳолат патологияни кеч ташхисланиши нуқтаи-назаридан жиддий муаммо келтириб чиқаради ва натижада олиб борилаётган даволаш муолажаларининг самараси ҳам пасаяди.

Ушбу регистр бўйича маълум бўлган яна бир далил—бу РФ турли субъектларида асоратлар учраш даражасининг сезиларли ўзгарувчанлигидир, буни эса бошқа сабаблари билан тушунтириб бўлмайди, баъзи минтақаларда регистрни олиб боришга етарлича эътибор ва диабетологик ёрдам кўрсатиш сифатидаги фарқлардан ташқари бошқа сабаблар билан тушунтириб бўлмайди. Бироқ, мавжуд камчиликларга қарамасдан, Россия бўйича ҚД 1 бўйича беморларни ўлим ҳолатлари 28,4%, 2 турдаги ҚД беморларида эса 21,2% камайди.

Ўртача хаёт давомийлиги (ЎХД) – нафақат беморларга кўрсатилган даволаш-профилактик ёрдам самарасини эмас, балки қатор тибибй-ижтимоий мезонлар билан акс этувчи муҳим кўрсаткичдир. 2007-2012 йй. Мобайнида ҚД1 ва ҚД2 беморларининг ЎХД ортиб борди ва мос равишда 58,8 ва 73,1 ёшга тенг бўлди. РФ барча минтақаларини ягона инфорацион-тахлилий тизимга – қандли диабет беморларининг Давлат регистрига бирлаштирилиши ҚД бўйича эпидемиологик ҳолатни илк марта баҳолашга имкон берди: беморлар ёш тоифаларига мос ҳолда ҚД 1 ва ҚД2 билан касалланиш даражаси, тарқалганлиги, ҳамда беморлардаги ўлим ҳолатлари ва хаёт давомийлиги кўрсаткичлари. Ушбу кўрсаткичлар ҚД муаммоларини аниқ тарқалганлигини, ушбу касалликнинг асосий эпидемиологик кўрсаткичлари тахлили, диабетологик хизматни ривожлантиришни режалаштириш, иқтисодий харажатлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш, даволаш-диагностика ускуналари ва қандли диабетни олдини олиш чоралари самарасини баҳолаш учун жуда муҳимдир. ҚД Давлат регистрини online-форматга ўтиши ушбу регистрни олиб боришдаги қатор камчиликларни аниқланди, бироқ уларнинг барчаси ишчи тартибда ўз ечимини топиши мумкин.

2000 йилдан бошлаб РИЭИАТМда болалар ва ўсмирлар орасида биринчи турдаги ҚД<sub>1</sub> Миллий регистри (МР) амалга оширилмоқда. Регистрда 7-8 йил давомида самарали ишлаши натижасида ҚД асоратларини эрта ташхислаш ва олдини олиш чоралари яхшиланишига, даволаш чоратадбирларини самарасини оптималлаштиришга имкон берди, бу эса ЎЗР ҚД1 билан оғриган болаларда 95,5% ва ўсмирлар ўртасида 100% га ўлим ҳолатларини бартараф этилиши каби эпидемиологик ҳолат кўрсаткичларини сезиларли равишда ўзгаришига олиб келди. ҚД 1 тури билан оғриган болалар ва ўсмирларда МР олиб бориш самарадорлиги натижасида 2006 йилдан



бошлаб грант лойихаси доирасида бутун Ўзбекистон бўйича «Д» хисобида турувчи ҚД билан касалланган беморларни қамраб олинишига сабаб бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-9-002 «Ўзбекистон Республикасида қандли ва қандсиз диабет билан касалланган беморлар миллий регистрини яратиш» (2006-2008), ИТСС-13.2 «Ўзбекистонда қандли диабетда макроангиопатия ва уларни ҚД миллий регистри доирасида гипаталамо-гипофизар патологиялар, акромегалия ва қандсиз диабет билан ҳамроҳликда кечишининг клиник-эпидемиологик хусусиятлари» (2009-2011) грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий регистр яратиш орқали қандли диабет ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

икки қандли диабет миллий регистри (2007 ва 2010 йй.) ва 2016 йил хисобот хужжатлари маълумотлар базасини қўллаш орқали 2007-2016 йиллар давомида минтақалар ва бутун бир мамлакат миқёсида ҚД га нисбатан (тарқалиши, касалланиш даражаси, ногиронлик, ўлим ҳолатлари, асоратлар) эпидемиологик ҳолатни шаклланишини аниқлаш;

Ўзбекистон бўйича ва минтақалар кесимида 2007-2016 йилларда қондаги липидлар миқдори, артериал босим, гликемия даражаси бўйича мақсадга йўналтирилган даволаш муолажалари даражасини ва ушбу патология мавжуд беморларда даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишни халқаро тавсияларга мослигини аниқлаш;

миллий регистр бўйича олинган маълумотларга асосланган ҳолда ҚД билан оғриган беморлар скрининг алгоритмини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш барча даражаларида ҚД билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг турли структур тузилмаларида ҚД билан касалланган беморларга даволаш-профилактик ёрдам сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;

мамлакатда муаммога эътибор берган ҳолда кўрсатилаётган диабетологик ёрдам потенциали ва заиф тарафларини ва уларни бартараф этиш йўллари очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мамлакатимизда 2007, 2010 ва 2016 йилларда 18 ёшдан катта бўлган аҳолининг «Д» хисобида турувчи 86562, 110739 ва 180333 та қандли диабет билан оғриган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб беморларнинг умумий клиник статуси, қон ва сийдикнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анкеталаш, клиник,

эпидемиологик, клиник-лаборатор ва статистик тадқиқот ва таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хисоб бериш сифатини яхшиловчи, маълумотлар тезкорлиги ва ишончилигини оширувчи ҳамда кандли диабет беморларига курсатиладиган тиббий-профилактик ёрдамни башоратлаш ва мос ҳолда режалаштиришга имон берадиган кандли диабет биринчи ва иккинчи тури беморларини Ўзбекистон Республикасида мониторинг қилиш усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган кандли диабет миллий регистрини қуллаш Ўзбекистон Республикасида кандли диабет бўйича эпидемиологик ҳолатни шаклланиш хусусиятларини биринчи бўлиб баҳолашга имкон берди. Изланишлар курсатиши бўйича Ўзбекистон Республикасида кандли диабет уткир ва сурункали асоратлари ривожланишининг аниқланган ахамиятга молик бўлган омиллари бу касалликда ногиронланиш ва улим ҳолатларининг асосидир;

тиббий-профилактика ёрдами самарадорлигини баҳолашнинг ишонарли мезонларга асосланган янги усули ишлаб чиқилган, уни қуллаш мамлакат ҳудудлари бўйича ихтисослаштирилган ёрдам курсатиш сифатини фарқ қилишга имкон беради;

ишлаб чиқилган 18 ёшдан катталар орасида кандли диабет иккинчи тури скрининги даволаш-ташхислаш алгоритми самарадорлиги исботланган, уни қуллаш кандли диабет ривожланишининг юқори хавфи бўлган шахсларни аниқлаш ҳисобига нахорга гликемияни бузилишини ташхислашни 2 маротаба, глюкозага тургунликни бузилишини 2,5 маротабага ва кандли диабет ривожланишини 2 маротабага оширишга имкон берди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маълумотлар базаси дастури йиғилиши ва мақсадли қайта ишланишига асосланган «Кандли Диабет Миллий Регистри» яратилган ва Ўзбекистон Республикаси микёсида тадбик қилинган;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бугимидан ихтисослаштирилган муассасаларгача йуналишни узида сакловчи 18 ёшдан катта шахслар орасида кандли диабет скрининги алгоритми ишлаб чиқилган ва ҳар кунги амалиётга тадбик қилинган;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари ҳар хил даражаларида кандли диабет биринчи ва иккинчи тури беморларига даволаш-ташхислаш ёрдамини курсатиш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва тадбик қилинган;

утқазилган таҳлил асосида меҳнатга лаёқатлилиқни йукотишга ва эрта ногиронланишга олиб келувчи асоратлар сонини камайтириш мақсадида кандли диабет беморларига ихтисослаштирилган ёрдамни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган

усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган анкеталаш, клиник, эпидемиологик, клиник-лаборатор ва статистик текширув усуллар ёрдамида ишлов берилган. Қандли диабет касаллигини эпидемиологик тавсифи баҳолашда ўта хусусиятли қонуниятлар асосида турли усулларни қўлланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қандли диабет миллий регистрини яратиш ва натижада даволаш-профилактика ёрдам сифатини ошириш мақсадида уни тадбиқ қилиш олинган натижаларнинг илмий аҳамиятини белгилаб беради, булар эса леталлик даражасини камайтириш, хаёт давомийлигини ошириш, ихтисослашган ёрдамнинг турли бўғимларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 18 ёшдан катта шахсларда қандли диабетни скрининг алгоритми, ҳамда даволаш-профилактика муассасаларида биринчи ва иккинчи турдаги ҚД билан касалланган беморларда даволаш-профилактика ёрдами алгоритминини ишлаб чиқиш, ҳамда мамлакатда диабетологик ёрдам сифатини оширишнинг асосий таянч нуқталари аниқланди. Олинган натижалар Ўзбекистонда ҚД даволаш ва олдини олишнинг миллий дастурларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қандли диабет билан хасталанган беморлар миллий регистри картаси, замонавий ташхислаш ва даволаш усулларини тўлдирилиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 09 мартдаги №8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қандли диабет билан хасталанган беморларнинг касалликни қайд қилиш ва рўйхатга олиш тартибини самарали тизимини ташкиллаштириш, эрта ташхислаш ва замонавий даволаш усулларни тадбиқ қилиш имконини берган;

«Диабетик ретинопатиянинг тавсифи, ташхислаш, даволаш ва башоратлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 09 мартдаги №8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қандли диабет билан хасталанган беморларда касалликнинг асоратлари сифатида диабетик ретинопатиянинг ривожланиши ва олдини олишга қаратилган эрта ташхислаш, самарали даволаш ва диабетик ретинопатияни башоратлашнинг замонавий тизимини яратиш имконини берган;

«Қандли диабет билан касалланган беморлар орасида летал ва нолетал юрак-қон томир асоратлари юзага келишининг 10-йиллик хавфини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 09 мартдаги №8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма

қандли диабет билан касалланган беморлар орасида юрак-қон томир асоратлари юзага келишининг хавфи ва асоратларни тарқалиши, даволаш ва хавф омилларини камайтириш имконини берган;

қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифи асосида беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент вилояти эндокринология диспансери клиник амалиётига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги №8 н-з/215-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, биринчи ва иккинчи турдаги қандли диабет билан хасталанган беморлар мониторингини олиб бориш, хисоботларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва ишончлилиқ даражасини таъминлаш, касалликни башоратлаш ва 18 ёшдан катта аҳоли орасида даволаш-профилактик ёрдамни самарали ва сифатили режалаштириш, ногиронликни олдини олиш, ўлим даражасини камайтиришни имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 14 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида қандли диабет касаллиги бўйича халқаро ва маҳаллий адабиётларни манбалари ва диссертация мавзуси бўйича илмий изланиш манбалари мушоҳада қилинган.

Тадқиқот мақсад ва вазифларидан келиб чиққан ҳолда, адабиётлар шарҳида қандли диабетнинг тарқалганлиги, эпидемиологияси, мавжуд даволаш ва олдини олиш, ташхислаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган ҳамда ечими топилмаган вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг **«Қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифи материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усул ва материаллари баён қилинган, тадқиқотларга жалб қилинган 1 ва 2 турдаги қандли диабет билан касалланган беморлар тавсифи ва қўлланилган усуллар, ҳамда олинган натижалар баҳоланган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотлар бир-неча босқичдан иборат бўлди: ССВ вазирининг 19 ноябр 2006 йилдаги 489-сонли буйруғи билан «Қандли диабет беморларини кузатиш ва қайд қилиш анкетаси» тасдиқланган. ЎзР ССВ ўқув-услугий кенгаш томонидан тасдиқланган «Қандли диабет билан касалланган беморларни қайд қилиш анкетаси ва уни тўлдириш» услубий кўрсатма ишлаб чиқилди. ССВ буйруғи бўйича асосий услубий ва ташкилий марказ бўлган ССВ Республика эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида семинар ташкил қилинди. Анкеталарни тўлдиришда ягона ёндошиш мақсадида касалликка ҳамда унинг асоратларига ташхис қўйиш, даволаш стандартларига мос келувчи дори воситаларини танлашда ва х.о. ҳар бир эндокринологга (546) услубий қўлланма тавсия қилинди ва тушунтирилди. 2007 йил 1 январдан барча диспансерларда «Қандли диабет билан касалланган беморларни кузатиш ва қайд қилиш анкетаси» йўлга қўйилиб, поликлиника эндокринологи ҳар бир бемор учун идентификация маълумотлари, яшаш жойи, касаллик ва унинг асоратларини даволаш, лаборатор маълумотлари, ногиронлик, ўлим ҳолатлари ва аёллар учун ҳомиладорлик тўғрисида маълумотлар киритилди.

«Компьютер дастури ёрдамида ҚД мавжуд беморлар тўғрисида маълумотлар мониторинги, ҳисобга олиш усуллари» компьютер дастури яратилган бўлиб, унга 17.07.2008 й. ВГУ №00188 рақамли гувоҳнома олинди (2-илова). Ушбу дастур регистр маълумотларини мониторинги, таҳлили, сақлаш ва киритиш учун барча вилоят ва Тошкент шаҳри эндокринологик диспансерлари ахборот-таҳлилий марказлари компьютерларига ўрнатилди.

Юқори қайд қилинган босқичлар 01.01.2007 йилдан 21.12.2007 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қандли Диабет Миллий Регистри (ҚДМР) ўтказишга имкон берди. Унинг якунида биринчи регистр натижаларини камчиликларини аниқлаш билан таҳлил амалга оширилди.

Мамлакатнинг барча минтақаларида 2009 йил давомида аниқланган камчиликларни камайтириш, даволаш-профилактика ёрдами сифатини яхшилаш, шифокорлар малакасини ошириш бўйича семинарлар ташкил қилинди.

2010 йилда қайта ҚДМР ташкил қилинди, унинг маълумотлари мониторинги ва икки регистрнинг таққосий таҳлили ўтказилди.

2007 ва 2010 йилларда ўтказилган ҚДМР натижалари бўйича компьютер базасига киритилган регистр карталари маълумотларини статистик

тахлилида маълумотларни нотўғри киритилиши билан боғлиқ бўлган камчиликлар аниқланди ва уларни камайтириш мақсадида компьютер дастурини такомиллаштириш зарурияти туғилди, кейинги босқичда ИСС 2012-6-24 рақамли давлат гранти доирасида «Ўзбекистон Республикасида 1 ва 2 турдаги ҚД билан оғриган беморларни мониторинги» яратилди ва унга 26.08.2017 йилда ВГУ № 00310 рақамли гувоҳнома олинди.

2012 йилда Тошкент шаҳри ва Республика вилоят эндокринология диспансерлари регистр маълумотларини киритиш, сақлаш, тахлил ва мониторинги учун информатсион-тахлилий марказлари компьютерларига такомиллашган компьютер дастури ўрнатилди.

Ўтказилган иккита регистр маълумотларини тахлили натижалари бўйича «даволаш-профилактика ёрдамни режалаштириш ва башоратлаш, ишончилиги ва оперативлиги ошириш, хисоботлар сифатини ошириш учун ЎЗР эндокринологик диспансерларида эндокрин патологиялар бўйича тиббий-статистик маълумотлар учун компьютер базасини яратиш ва тадбиқ қилиш» номли ИСС 2012-6-25-рақамли инновацион грант тайёрланди.

Ушбу лойиха жараёнида диспансерлар хисоботларининг янги шакли ишлаб чиқилди. Эски шаклдан фарқли тарзда ҚД асоратлари бўйича қўшимча маълумотлар қайд этилади, бу эса ўтказилган иккита регистр маълумотларини мамлакатдаги эпидемиологик ҳолат асосий кўрсаткичлари билан солиштириш имконини беради.

2016 йилда 13 та вилоят ва Тошкент шаҳри эндокринологик диспансерларида «Д» ҳисоби бўйича хисоботлари асосида 2007, 2010 ва 2016 йилларда таққосий тахлили, ҚД бўйича ишлаб чиқилган миллий регистр самарасини баҳолаш ўтказилди.

Статистик ҳисоблар STATISTICA – 6.0 дастури ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Катта ёшли беморлар орасида қандли диабетнинг асосий эпидемиологик кўрсаткичлари тавсифи**» деб номланган учинчи боби 5 та кичик бобдан иборат: биринчи кичик бобда 2007, 2010 ва 2016 йилларда 18 ёшдан катта мос ҳолда 87684; 111054 ва 180333 та беморнинг гендер, ёшга боғлиқ ва клиник тавсифи келтирилган, ҳамда Ўзбекистон бўйича ва вилоятлар кесимида ҚД касаллигини тарқалиши ва даражаси ўрганилди.

Мамлакатимизда ҚД тарқалиши 2007 йилда 0,52% (ҚД1-0,06% ва ҚД2 – 0,47%), 2010 йилда – 0,62% (ҚД1 – 0,07% ва ҚД2 – 0,55%), 1 йилда ҚД беморлари улушини - 5,98% ўсиши (ҚД1 – 6,5% ва ҚД2 – 5,91%) кузатилди. 2016 йилда аҳолининг 0,87% қайд этилди (ҚД1 – 0,07% ва ҚД2 – 0,8%). ҚДМР бўйича мамлакатда ҚД ва НТГ тарқалганлигини камайиши билан бир қаторда катта ёшли аҳоли ўртасида ҚД1 тарқалишининг юқорилиги кўрсатилди. ҚД1 учрашининг энг кам даражаси ҚҚР (11,0, 18,7 ва 36,5/100 000) ва Сурхондарё вилоятида (10,9, 37,0 ва 37,7/100 000), мамлакат бўйича ўртача миқдорга нисбатан 2-4 марта кам кузатилди.

Кўрсаткичларни тизимсиз тарзда бундай кўринишдаги ҳолат яна бир бор ҚД1 бўйича гипердиагностика муаммосини тасдиқлайди. Бу борада

Қашқадарё вилоятида қуйидаги ҳолат кузатилди: ҚД2 даражасининг паст бўлиши билан бир вақтда ҚД1 бўйича юқори натижалар аниқланди беморларни ёш бўйича тахлилида аниқланишича, энг юқори кўрсаткичлар 2007 ва 2010 йилларда 60-69 ёшлиларда кузатилди (мос ҳолда 30,83% ва 34,4%), бунда 2010 йилда статистик ишонарли тарзда 60 ёшдан кичик аҳоли ўртасида натижалар паст бўлди (ОШ=0,71; 95%; ДИ: 0,67-0,76,  $\chi^2 = 116,58$ ,  $p < 0,01$ ), бу эса ҚД ни «кексайиб» бораётганлигидан далолат беради. 2007 ва 2010 йй. ҚД2 билан оғриган аёллар эркакларга нисбатан ўртача 1,2 ва 1,3 марта кўплиги, аксинча 2007 йилда – эркаклар 1,4 марта ва 2010 йилла – 1,5 марта кўп касалланиши аниқланди. Мамлакатимизда 2007, 2010, 2016 йилларда ҚД1 билан касалланиш мос ҳолда хар 100 минг аҳолига 2,3, 3,1 ва 4,1 га тўғри келди, ҚД2 – 33,8, 51,9 ва 102,9/100 000 натижа кузатилди. Кузатувлар давомида энг паст кўрсаткичлар Қашқадарё, сурхондарё вилоятларида ва ҚҚР қайд қилинди.

«ҚД беморларидаги ўлим ҳолатлари» иккинчи кичик бобида бутун Ўзбекистон ва минтақалар бўйича беморлар ёши, ҚД тури, ўлим сабаблари кўрсаткичлари ўрганилди. Аниқланишича, ҚД ўлим сабаблари бўйича 2007, 2010 ва 2016 йилларда мос равишда хар 100 минг аҳолига ўртача 22,4, 21,6 ва 27,9 ҳолатни ташкил қилди. Ўлим ҳолатлари: 2007 йилда – 3,6%, 2010 – 3,3% ва 2016 – 3,2% га тенг бўлди. Ўлим ҳолатлари бўйича юқори натижалар 60-69 ёшга кўпроқ тўғри келди. 70 ёшгача вофат этган шахслар улуши 68,1%, 2010 йилда эса – 60,1% ташкил қилди, 70 ва ундан катта ёшгача яшаш эхтимоли 1,4 мартага ортди. ҚД1 ва ҚД2да ёш бўйича ўлим ҳолати сезиларли равишда ортди. Сурункали юрак етишмовчилиги асосий ўлим сабаби бўлсада, 2010 йилда ҚД беморларида НМК ва бошқа касалликлар улуши ортди.

Касалликнинг эпидемиологик кўрсаткичи сифатида ўлим ҳолатлари нафақат кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини, балки ушбу касалликнинг тарқалганлиги билан ҳам боғлиқ. Бизнинг ҳолатда минтақада қанчалик ҚД қайд этилган бўлса, ўлим ҳолатлари шунча юқори бўлади. Тошкент шаҳри учун хар 100 минг аҳолига ҚД қайд этилиш даражаси юқори бўлиб, ўзлим ҳолатлар бўйича ҳам айни шундай натижалар аниқланди. Айни вақтда энг кам ўлим ҳолатлари ҚҚР, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кузатилиб, республика натижаларидан 2-3 марта паст демакдир.

«ҚД беморларининг ногиронлиги» учинчи кичик бобида 2007, 2010 ва 2016 йилларда Республикаимизда ва вилоятлар кесимида ҚД беморларини ногиронлиги, унинг тарқалганлиги тахлил этилди. Ногиронлик 2007 йилда - 15,7%, 2010 – 14,5% ва 2016 – 6,9% кузатилди. 2007 ва 2010 йилларда ногиронларнинг аксарияти II гуруҳга – 90,3 ва 89,1% тўғри келсада, динамикада III даражали беморлар сонини кўпайиши хисобига I гуруҳдан II гуруҳга ўтиши кўпайди. Ногиронлик даражасини ортишига Навоий (25,3 ва 35,7%), Қашқадарё (27,5 ва 24,4%) ва Наманган (23,5 ва 20,8%) вилоятлари хисобига рўй берди. I гуруҳ ногиронлик даражаси энг юқори кўрсаткичлари ҚҚР қайд қилинди. Қандли диабет эса ногиронликнинг асосий сабаби сифатида аҳамиятли бўлди (75,9% - 2007 ва 71,1% - 2010).

«Мамлакатда ҚД ўткир асоратларининг тарвалганлиги» тўртинчи кичик

бобида 2007, 2010 ва 2016 йилларда диабетик комалр сони ўрганилди. 2007 йилда ўткир асоратлар – 0,97%, 2010 – 0,59% ва 2016 йилда 0,61% кузатилди, бунда ҚД1 да (4,47% дан 2,61%) ва ҚД2 да (0,55 дан 0,36%) комалар сони сезиларли камайди. Энг яхши натижалар ҚД1 билан касалланган беморларда гипогликемик комаларни олдини олиш бўйича эришилди. Минтақалар кесимида эса беморлар ўртасида комалар учраш даражасини сезиларли камайганлигини ҳам кўриш мумкин.

«ҚД сурункали асоратларини тарқалганлиги» бешинчи кичик бобида диабетик нейропатия, кўришни йўқолиши оқибатли ретинопатия, СБЕ ли нефропатия, ампутация натижали макроангиопатия, МИ ва инсульт каби асоратлар Ўзбекистон ва унинг минтақалари кесимида ва вилоятлар бўйича 2007, 2010 ва 2016 йиллар мобайнида ўрганилди. Бундан ташқари битта ампутацияга нисбатан ДНП, битта кўришни йўқотилишига нисбатан ДР, битта МИ ва инсультга нисбатан ДМА ва битта СБЕ нисбатан ДН аниқланиш бўйича кўрсатилган ёрдам самараси баҳоланди. 2007 йилда ДНП 47,6% (ҚД1 51,4% ва ҚД2 47,2%), 2010 йилда – 57,1% (ҚД1 47,1% ва ҚД2 57,4%), 2016 йилда эса 37,8% ҳолат кузатилди. ҚД беморлари орасида ампутациялар частотаси мос ҳолда 1,6, 1,6 ва 0,9% ни ташкил қилди. ДНП энг юқори натижалари 50-59 ёшли беморларда кузатилди (мос ҳолда 37,2 ва 36,6%). ҚҚР, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ДНП аниқланишини пастли ушбу минтақаларда оёқ ампутациялари сонини ортишига олиб келди. 2007 йилда ҚД ли беморларда ДР 41% (ҚД1 47,9% ва ҚД2 40,1%), 2010 йилда – 51,3% (ҚД1 46,8% ва ҚД2 51,0%), 2016 йили эса – 34,9% ҳолат аниқланди. Кўришни йўқотилиши эса мос равишда 0,59, 0,32 ва 0,4% беморларда қайд қилинди. ДР энг юқори кўрсаткичлари 50-59 ёшлиларда кузатилди. Бунда 50 ёшдан кичик беморларда статистик жихатдан камайиши кузатилди (ОШ=0,78; 95%ДИ: 0,73-0,84,  $\chi^2=45.71$ ,  $p<0,01$ ). ДР ва кўришни йўқотилиш частотаси йиллар ва минтақалар бўйича ўзгарувчан бўлди.

Кўришни йўқотилишини олдини олиш борасида кўрсатилаётган ёрдамнинг энг паст даражаси ҚҚР аниқланди. 2007 йили ДМА 48,4% (ҚД1 47,0% ва ҚД2 48,5%), 2010 – 52,2% (ҚД1 34,6% ва ҚД2 56,5%), 2016 йили – 42,6% учради. Тошкент шаҳрида (70-80%) ва Тошкент вилоятида (45-60%) эса 2007, 2010 ва 2016 йилларда ДМА тарқалганлигини юқори даражада турғунлашиши қайд қилинди. Нисбатан паст кўрсаткичлар ҚҚР (мос ҳолда 9.7, 36.2 ва 27.4%), Наманган (26.6, 38.0 ва 14.3%), Хоразм (30.0, 23.9 ва 35.5%) вилоятларида кузатилди. ДМА энг тарқалганлиги 50-59 ёшда, МИ эса 17,3, 25,4 ва 1,83%, ОНМК – 1,55, 2,09 ва 1,69% учради. 2007 йилда 32,5% беморларда (45,3% ҚД1 ва 30,9% ҚД2), 2010 – 27,8% (31,8% ҚД1 ва 26,8% ҚД2), 2016 й. – 13,2% учради. СБЕ 2007 ва 2010 йилларда 0,99 ва 0,85% беморда кузатилди. 2010 йила ДН диагностикасининг ёмонли ДН ни СБЕ ўтиш даражасини ошишига олиб келди, бунда юқори кўрсаткичлар ҚҚР, Сурхондарё вилоятида аниқланди. 50-59 ёшли беморларда ДН юқори частатада учради. Бунда 2010 йилда 50 ёшдан кичик беморлар гуруҳида статистик жихатдан 24,01 дан 18,81% га камайди ( $\chi^2>3,841$ ,  $p<0,01$ ).


Диссертациянинг «Қандли диабет миллий регистри натижалари



**асосида қиймат кўрсаткичларига эришиш даражаси бўйича қандли диабетни самарали даволашнинг баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобида углевод, липид алмашинуви, АБ кўрсаткичлари, глюкозани нахорги миқдори 7,0 ммоль/л, постпропандиал гликемия 10 ммоль/л дан кам, НвА1с 7% дан кам, ОХ 4,5 ммоль/л ва АБ 140/90 дан кам натижаларга эришилган беморлар улуши ва уларда 2007-2010 йилларда липидемия, гликемия, АБ мақсадли кўрсаткичларига боғлиқ холда мамлакатда ва вилоятлар кесимида ўрганилди.

2007-2010 йилларда мамлакат бўйича глюкозанинг мақсадли даражаси 13,6 ва 19,4%, постпропандиал гликемия – 30,4 ва 39,4% ни ташкил қилди. 2007 ва 2010 йилларда гликирланган гемоглобинга текширилган 4,1 ва 27,1 беморлар ичидан 30,2 ва 54,0% ҳолатда қондаги умумий холестерин миқдори ўрганилди, ундан 31,4 ва 57,9% ҳолатда ушбу кўрсаткич 4,5 ммоль/л дан паст бўлди. Гиперхолестеринемия ташхиси аниқланган шахслар орасидан 79,2 ва 78,9% бемор даволаш муолажаларини олган бўлиб, уларда умумий холестерин миқдорининг меъёрлашиши 13,8 ва 17,6% ни ташкил қилди, энг яхши кўрсаткичлар Фарғона ва Навоий вилоятларида аниқланди. Бундан танлов 2007 йилда препарати сифатида никотин кислотаси (85,4%), 2010 – статитнлар (83,2%) олинган. 140/90 мм.сим.уст. тенг АБ 71,95 ва 61,58% беморда ҚД аниқланди. АГ ташхиси қўйилган беморлар орасида 60,67 ва 94,02% беморлар даволаннишдан сўнг АБ мақсадли кўрсаткичлари 17,73 ва 29,72% ҳолатда қайд қилинди. 2007 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида АГли ҚД беморлар бўлмади, жуда кам миқдорда ҚҚР (41 бемор) ва Хоразм вилоятида (70 бемор) аниқланди. Ўтказилган даволашнинг паст самараси Андижон, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида кузатилди. АГ аниқлаш ва гипотензив препаратлар буюрилиши борасида сезиларди ижобий натижалар кузатилмоқда, бироқ бу маълумотлар ҚД касаллигида артериал гипертонияни самарали даволаш ва эрта аниқлаш бўйича чоралар қабул қилиш заруриятини кўрсатмоқда.

